

# Аҳли қадарлар билан бирга ўтирманглар...

16:00 / 25.07.2017 4174

*Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аҳли қадарлар билан бирга ўтирманглар ва уларга гап очманглар, (бирор масалани ҳал этиш учун) мурожаат қилманглар», дедилар».**

*Иккала ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шариф аввалги ўрганган ҳадисимизнинг узвий давоми, десак хато қилмаган бўламиз.

Аввалги ҳадисда айтилган гаплар бу ҳадисга ҳам тегишлидир. Бироқ ушбу ҳадисда бузуқ ақийда эгаларига кўрсатиладиган таъсирнинг бошқача усуллари зикр қилинмоқда:

## **1. «Аҳли қадарлар билан бирга ўтирманглар».**

Бу иш ҳам бузуқ эътиқодли кишиларга таъсир ўтказишда, оммани уларнинг бузуқлигидан асрашда катта аҳамиятга эгадир. Бир тасаввур қилиб кўрайлик: бир гуруҳ мусулмонлар гаплашиб ўтирган эдилар. Бузуқ эътиқодли киши келиб, уларга қўшилиб ўтирди. Шунда ҳалиги гуруҳ одамлари бирин-кетин ўринларидан туриб кетдилар. Бузуқ эътиқодлининг ўзи қолди. У билан ҳеч ким саломлашмади ҳам, саломига алик олмади ҳам. Бу жуда таъсирли чора.

## **2. «Уларга гап очманглар, (бирор масалани ҳал этиш учун) мурожаат қилманглар».**

Бу чора ҳам ўта қаттиқ чора. Инсон ўзи яшаётган жамиятдаги бошқа одамлар билан алоқада бўлишга, муомала қилишга муҳтож. Эътиқоди туфайли мусулмонларнинг нафратига учраган кимса танбеҳ олади, ўзини ўнглаб олишга имкон топади. Энг муҳими, унинг ҳолини кўриб, баъзи бир унга ўхшамоқчи бўлганлар ўзини тияди.